



Хотам Мамедов ва бошқа суратлар

Грециянинг Кавала шахрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рапид – тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ака-ука Иломбек ва Жавоҳир Синдоровлар галаба қозонди.

Шахмат

ИСЛОМБЕК ВА ЖАВОҲИР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Президентимиз Илом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли этиб вояга етказиш, спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга қўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактаби вакиллари нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари барча нуфузли мусобақалар — қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини амалда исботлаб келмоқда.

Бу Грециядаги жаҳон чемпионатида ҳам ўз ифодасини топди.

Нуфузли мусобақанинг етти ёшгача бўлган шахмат-

чилар баҳсида иштирок этган Иломбек Синдоров тўққизта турнинг барчасида галаба қозонди. Ёш шахматчимиз россиялик Алексей Фадеев, грециялик Георгиос Хатзигавриил, болгариялик Константин Георгиев ва Светлен Иванов, франциялик Рахат Маккар, озарбойжонлик Али Зуқанов, Фикрат Мустафозода ва Айхан Жабборли ҳамда англиялик Дхрув Радхакришнанни мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Тўққиз ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўз иқтидорини намойиш этган Жа-

воҳир Синдоров ҳам турнир давомида мағлубиятсиз ўйнади. У грециялик Маркоз Казакос, россиялик Артеми Борисов, Лев Левкин, Михаил Друченко, Георгий Вдовин ва Владимир Анчиков ҳамда озарбойжонлик Самад Аслановни енгиб, яна бир озарбойжонлик шахматчи Мартин Саломов ва ҳиндистонлик Лоҳия Сиддхат билан дуранг ўйнади. Тўққиз имкониятдан 8 очко жамгарган Жавоҳир Синдоров жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

МИЛЛИЙ ЭМЛАШ ТАҚВИМИДА ЯНГИ ВАКЦИНА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сайёрамизда ҳар йили икки миллиондан кўпроқ инсон ротавирус инфекцияси билан хасталаниб шифохоналарга тушади. Улардан қарийб беш юз минг нафари ушбу ўткир юқумли касаллик туфайли оламдан қўз юмади.

Ушбу инфекция, айниқса, ёш болалар ўртасида кўпроқ қайд этилиши ва саломатлигига жиддий таҳдид туғдириши билан хатарлидир. Шу боис жаҳон миқёсида ушбу муаммага қарши курашнинг самарали ечими сифатида бир қатор янги вакциналар ишлаб чиқилган ва улардан тиббиётда самарали фойдаланилмоқда. Шу йилнинг 16 июнидан бошлаб мамлакатимиз миллий эмлаш тақвимида ҳам ана шундай янги вакцина жорий этилди. Эндиликда икки-уч ойлик чақалар ротавирус касаллигига қарши бепул эмланadi.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида маълум қилинди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика Бош давлат санитария вақчи С.Саидалиев, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич ва бошқалар инсон манфаатларини муҳофазалаш, аҳоли соғлом ва узок умр кечириши учун қўлай шароит яратиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш Ўзбекистонда Президент Илом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишига айланганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда санитария-эпидемиология ҳолатни барқарор сақлаш ва юқумли касалликларга қарши курашнинг замонавий тизими яратилган. Миллий эмлаш тақвимида мувофиқ ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўн та касалликка қарши эмланмоқда. Бундай кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида илгирилари болалар саломатлигига жиддий таҳдид туғдирган кўплаб касалликларнинг олдини олиш, эпидемиологик барқарорликни таъминлашга эришилмоқда. Миллий эмлаш тақвимида киритилган иммунопрофилактика тадбирлари каттагина маблағлар давлат бюджетидан ҳисобидан молиялаштирилмаётди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, бу борадаги ишлар қўламли янада кенгаймоқда, ҳусусан, янги ротавирус вакцинаси жорий этилиб, эмлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология нazorати бош бошқармасида маълум қилишларича, янги вакцина амалиётга жорий этишга жиддий тайёргарлик қўрилди. Саккиз мингдан зиёд ўрта тиббиёт хо-

димлари эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалар иштирокида махсус ўқув-услубий машғулотлар ўтказилди. Жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар базасида 3800 эмлаш пунктлари ташкил этилди. Жорий йилнинг ўзига қарийб уч юз саксон минг болани ротавирус инфекциясига қарши эмлаш билан қамраб олиш режалаштирилган.

Ротавирус инфекцияси маънавий жиҳозлар, уй-рўзгор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқеди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология нazorати бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Турсунова. — Касаллик вирусини асосан ошқозон-ичак йўлида тарқалади, овқат ҳазм қилиш ферментларини ишдан чиқаради. Бунинг оқибатида тана ҳарорати кўтарилиб, кўнгил айниди, ич кетиши кузатилади. Бу жараён болаларда анча оғир кечиши, организм бир кеча-кундузда бир литрдан кўпроқ суюқлик йўқотиши мумкин. Болаларни ўз вақтида эмлаш орқали бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкин.

Эмлаш ишларини амалга оширишда фойдаланиладиган, жаҳон тиббиёти амалиётда кенг қўлланилаётган энг самарали эмлаш воситалари мамлакатимизга олиб келиниб, тегишли тартибда тиббий-лаборатория синовларидан ўтказилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мувофиқлик сертификати билан қафолатланди ва соғлиқни сақлаш тизимига риоя этилган ҳолда жойлардаги эмлаш пунктларига етказиб берилди. Аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида хонадонларда, маҳаллаларда тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир ишчи-корчилари эмлаш ишларига қўрилган тайёргарлик ва бу жараённинг бориши билан таъминлаш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада бўлди.

Болаларни ротавирусга қарши эмлаш ишлари мамлакатимиздаги барча бирламчи тиббиёт масканларида ташкил этилган эмлаш пунктларида ана шу тартибда бошлаб юборилди. Бундай хайрли ишлар болалар саломатлигини асраш, ўткир юқумли касалликларга қарши кураш ишлари самардорлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлоднинг камолга етказишда яна бир муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Б.ХАДИРОВА,
ЎЗА мухбири

КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Кеча Н гуруҳида кучи деярли тенг жамоалар ўзаро баҳс юритди. Шу боис учрашувлар анча кескин ва шиддатли ўтди.



Дастлаб майдонга Бельгия — Жазир терма жамоалари тушибди. Учрашув европаликларнинг бир оз устунлиги остида бошланган бўлса-да, бироқ 25-дақиқада жазирлик Фегулига нисбатан кўполик қилинган учун ҳакам 11 метрлик жарима тўпини белгилади ва жабрланувчининг ўзи пенальтини аниқ бажариб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим мана шу кичик ҳисобда якунланди.

Ушбу ўйин ҳам мазкур чемпионатнинг ёзилмаган қоидаси, яъни кўп ҳолларда кузатилаётган биринчи тўп киритган терма жамоанинг мағлубиятга учраши билан якун топди. Бунда бельгияликларга мураббийнинг оқилона ҳатти-ҳаракатлари қўл келди. Яъни, иккинчи бўлимда майдонга туширилган ўйинчилар мураббий ишончини оқлаб, рақиб дарвозасига тўғлар киритишди. Чунончи, майдонга тушганига беш дақиқа ўтар-ўтмас бельгиялик Феллайни боши билан тўпни дарвозанинг тўққизлик қисмига киритгани ҳолда ҳисобни тенглаштирди. Умуман, иккинчи бўлимда Жазир футболчиларининг кичик ҳисобдаги галабани сақлаб қолишга интилиб, тўғлалигича ҳимояга ўтиб олганликлари боис, яққол устунлик Бельгия терма жамоасида бўлди. Биринчи голдан сўнг ўн дақиқа ўтгач, Мертенснинг аниқ зарбаси бельгияликларга ҳақли галабани келтирди — 2:1.

Россия — Жанубий Корея учрашуви ҳам жуда кескин ва мурасасиз кечди. Фақат Жанубий кореяликлар майдонда аниқроқ ҳаракат қилишди. Биринчи бўлим 0:0 ҳисобида якунлангач, кўпчиликда ушбу баҳс дарвозалар забт этилмагани ҳолда якунланса керак, деган фикр пайдо бўлди.

Бирок учрашунинг 68-дақиқасида кореялик Ли Гин Хо майдон марказидан катта тезликда жарима майдончаси томон интилиб, тахминан 22 метрлардан туриб, кучли зарба берди. Россия терма жамоасининг тажрибали дарвозабони Игорь Акинфеев тўпни қайтарсада, уни ушлаб қолмади. Шу тарика тўп дарвозанинг қўлидан чиқиб тўғга тушди — 1:0.

Орадан олти дақиқа ўтгач, иккинчи бўлимда майдонга тушган Россия терма жамоасининг энг тажрибали ўйинчиси Александр Кержаков жарима майдончасида ҳимоячиларнинг саросимага тушганидан фойдаланиб, дарвозабон қайтарган тўпни тўғга туширишга муваффақ бўлди — 1:1.

Ҳар иккала жамоа учун галаба сув билан ҳаводек зарур бўлсада, ҳисоб бошқа ўзгармади ва дуранг натижа қайд этилди.

Бразилия — Мексика учрашуви эса ҳар иккала жамоа галаба сари интилган бўлса-да, қўтилмаганда 0:0 ҳисоби билан якунланди. Бунда мексикаликлар ҳам жиддий рақибга қарши бўш келмаган ҳолда тўп суришди. Ушбу беллашувда Мексика терма жамоасининг дарвозабони Гильермо Очоанинг аҳойиб ўйин кўрсатганлигини таъкидлаш ҳоиз.

Шу тарика кеча ўтказилган ўйинларда дарвозаларга киритилган тўртта тўпдан учтаси майдонга янги туширилган футболчилар томонидан урилганини қайд этиш ўринли.

Бугун А гуруҳида Камерун — Хорватия, В гуруҳида Испания — Чили ва Австралия — Голландия терма жамоалари ўртасидаги қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Тадбирлар

ЯНГИ ЭКСПОНАТ ТАҚДИМОТИ

Дунёда олимпия ҳаракатини тарғиб қилувчи музейлар орасида пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Айнан Истиклол йилларида ташкил этилган ушбу музейда ёш спортчилар, мураббийлар, шунингдек, халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритган спортчилар иштирокида тадбирлар уюштириш, чемпионларни тақдирлаш аънаъга айланган.

Яқинда Олимпия шон-шухрати музейида ёшлар, фахрий спортчилар иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда юртимиз спортни ривожига муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Фралик хотирасига бағишланган янги экспонат музейга тақдим этилди.

Тадбир қатнашчилари Владимир Фраликнинг фаолияти ҳамда спорт ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



36-38 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 ва 20 июнь

Тошкент шаҳрида эрталаб Тошкент шаҳри 19 июнь кун ҳаво бир оз об-ҳаво шароити шаҳар ўзгариб туради, ёғингарчи-ҳаво муҳитида зарарлилик бўлмайди. Шарқдан се-қундига 3-8 метр тезлик-қилишига имконият ярада шамол эсади. Ҳарорат тади, тағмиқдори паст кечаси — 20-22, кундузи — бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 656

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта-тўғи» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 13.30